ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

КОРЕЙС МАҚОЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Паризод Азамат қизи Азимова
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада таржима – халқлар ўртасида ўзаро иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий алоқаларнинг кенгайиши манфаатларига хизмат қилиши ҳамда корейс халқига мансуб бўлган мақоллар тили, услуби, луғат бойлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: мақол, ибора, тил, услуб, луғат, таржимон, маҳорат, санъат.

CHARACTERISTICS OF KOREAN PROVERBS

Parizod Azamat kizi Azimova
Teacher of Uzbekistan State University of World Languages

ABSTRACT

This article discusses the translation - the interests of the expansion of mutual economic, political, scientific, cultural ties between the peoples, as well as the language, style, vocabulary of the Korean proverbs.

Keywords: proverb, phrase, language, style, dictionary, translator, skill, art.

КИРИШ

Таржима бадиий жиҳатдан бекаму кўст бўлиши учун, аввало, асар ҳажман қайта тикланиши керак. Мукаммал бадиий асарда катта-катта парчаларгина эмас, ҳатто битта сўзга ҳам муҳим вазифа юклатилган бўлиши мумкин. Бу мақол ва маталлар

Таржима – халқлар ўртасида ўзаро иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий алоқаларнинг кенгайиши манфаатларига хизмат қилади.

Таржима – миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири жараёнини тезлаштиради; миллий адабиётларда муштарак мавзулар, умуминсоний ғоялар, ранг-баранг адабий-эстетик шаклларнинг туғилишига сабаб бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

Таржима – миллий тилларнинг ривожланиш суръатини тезлаштиради. Тилларнинг луғат бойлигини янада оширади, янги-янги грамматик воситаларни келтириб чиқаради.

Авлоддан-авлодга ўтувчи бу таржима мероси, буюк мутафаккирлар ижодини алмашишдек ажойиб тажриба, бадиий адабиёт юлдузларининг турли буюк ва кичик халқлар тилида “гаплашиш” дек анъаналари йил сайин мустаҳкамланиб, тараққий этиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таржимон ўзи севган ва зарур деб билган асарни бутун салмоғи, ғоявий-бадиий нафосатини сақлаган ҳолда қалб қўри билан ўгиришга ҳаракат қилади, ўз қалам тебратиш йўсинини муаллифнинг услубига мослаб ижод этишга киришади. Бунинг самараси ўлароқ санъат асари бошқа тилга, ўзга адабий муҳитга, янги китобхонлар орасига йўл олади. Мабодо таржимани китобхон тушуниб, севиб қаршиламаса, завқ олмаса, таржимоннинг барча саъй-ҳаракати зое. Таржимадан мақсад янги гўзаллик олами, янги адабиёт, янги ёзувчи кашф этиш, оммага янги эстетик олам эшигини очишдан иборат. Озод Шарафиддинов корейс мақол ва матал, ҳангомаларини ўзига хос ғоявий, миллий мазмуни ва мундарижасини, услубий безакларини сақлаган ҳолда моҳирона таржима қила олган.

Масалан: Корейс халқига мансуб бўлган “Хамирни узоқ қор, гапни қисқа қил” мақоли тили, услуби жиҳатидан жуда мукаммал. Миллат руҳияти яққол сезилиб туради. Бирорта сўзни олиб ташлаш ёки бирорта сўз қўшиш ортиқча.

Таржима бадиий жиҳатдан бекаму кўст бўлиши учун, аввало, асар ҳажман қайта тикланиши керак. Мукаммал бадиий асарда катта-катта парчаларгина эмас, ҳатто битта сўзга ҳам муҳим вазифа юклатилган бўлиши мумкин. Бу мақол ва маталлар таржимасида жуда муҳим. Туғма санъаткор, истеъдодли таржимонгина бунинг уддасидан чиқа олади. Озод Шарафиддинов мақол ва маталларни таржима қилар экан ундаги оҳангдорликка ҳам алоҳида эътиборни қаратади. Ялқов отнинг араваси ҳамиша оғир бўлади, мақоли ишёқмас, танбал кимсаларга қарата айтилган. Дангаса одам эса доимо нимадир қилмоқчи бўлади, бу корейс мақоли сифатида қуйидагича жаранглайди: “Учмоқ учун қанот қоқмоқ керак” меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Мақолда эса бу таъсирчан, образли қилиб ифода этилгани унинг тарбиявий аҳамиятини оширади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

Ҳақиқий санъат асари мафтункор, гўзал, таъсирчанликдан ташқари, маънодор ва сеҳрга бой бўлади. Унда турли-туман воқеаларга ишоралар, тагдор гаплар, жумбоқлар кўп учрайди. Бундай ижод дурдоналарининг маъносини чақиш, тушуниш учун кўникма ва малака талаб қилинади. Таржима масъулияти ва сўз санъатининг ўзига хос хусусиятлардан хабардор бўлган кишигина таржима асарига янги жон бағишлайди. Бундай мулоҳазаларга риоя қилган ижодкорнинг ижод маҳсули шубҳасиз китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Бадиий таржима – бу қайта яратиш санъати демакдир. Ҳар қандай санъат асари ҳам таржимадан бирдан ярқираб чиқавермайди. Баъзан турли сабабларга кўра бошқа тилларга ўгириш қийин бўлган жанрлар, сўз санъати намуналари учрайди. Бундан ташқари ҳар бир халқнинг ўзига хос эстетик диди ҳам катта роль ўйнайди: бир тилда муваффақият қозонган китоб бошқа тилга ағдарилганда худди ўшандай яхши қабул қилинмаслиги ҳам мумкин ёки, аксинча, айрим асарлар асл нусхасидан кўра таржимадан кўпроқ шухрат топади. Ниҳоят, тажиманинг муваффақияти – таржимоннинг маҳоратига боғлиқ эканлиги ҳам сир эмас.

Озод Шарафиддинов – таржима устаси. У хоҳ йирик ҳажмли асарни таржима қиладими, ёки кичик жанр бўлган мақол ва маталларни таржима қиладими сўзга эътиборо ва масъулликни, бадииятни ҳеч қачон унутмайди. Таржима қилинаётган ижод намунасини қайта жонлантиради. Китобхон ҳиссиётига таъсир қиладиган, уни бефарқ қолдирмайдиган санъат асарини тақдим этади. Ўзганинг маслаҳати кўпинча малол келади, лекин уни тинглаб, мағзини чақ, - мақоли ўрганиш, фикрлашдан тўхтамасликка чорлайди. Тилида шакар, дилида заҳар мақоли эса ўзбеклардаги: тили бошқа, дили бошқа мақолига мутаносиб келади. Бу халқлар ҳаётий тажрибасининг хулосаси сифатида жаранглайди.

Ғ.Саломов: “Агар мендан: тилда ҳам мўъжизалар бўладими?-деб сўрасалар, мен: агар бўлса тилнинг “мўъжизаси” ундаги мақол, матал ва идиомалардир, деб жавоб берган бўлар эдим. Чиндан ҳам гапнинг қаймоғи, ширини, олам-олам маъно берадигани ва шу билан бирга, лўндаси мақол, маталлардир, - дейди. мана шундай “мўъжиза” ларни Озод Шарафиддинов маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилади. Мақол ва маталлар халқ ақл-идрокининг маҳсули, унинг ҳукми, кўп асрлик тажрибалари, турмушдаги турли ҳодиса ва воқеаларга муносабати демакдир.

Дунёдаги ҳамма халқларнинг тилларида ҳам дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида жуда кўп мақолларни учратамиз.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

Либоснинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши мақоли янги дўстлар орттирмасликка эмас, балки дўстликнинг абадий бўлишига ишора қилади. Аҳиллик – бузилмас қўрғон мақоли эса ҳамжиҳатликка, биродарликка чорлайди. Корейс халқ мақолларидаги мазмун ўзбек ўқувчиларини ҳам бефарқ қолдирмайди.

Тилнинг ўзига хос хусусиятларини ва табиатини белгилайдиган, унинг камолот даражаси қандай эканлигини кўрсатадиган, бошқа тиллар ўртасида тутган ўрнини тайинлашда муҳим омил бўлган нарса – ундаги мақол, матал идиома ва бошқа шу каби кўчма маъноли бирикмалардир. Бундай бирикмаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш ғоят мураккаб иш. Истеъдодли таржимон Озод Шарафиддинов эса бу масалани муваффақият билан ҳал қилади. Ширин гап баайни жилғадай югуради, мақоли эса таржимада услуб ва тил жиҳатидан ўзига хос. Мана шундай маҳорат билан таржима қилинган мақоллар ва маталлар маълум бир вақтда худди ўзимизнинг мақолдай ишлатилиб кетишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бунинг сабаби эса таржиманинг мукаммаллиги билан изоҳланади. Мақтанишни истаб қолсанг, қабрда мақтан, мақоли заминида чуқур маъно яширин. Шу мақолга мутаносиб мақолни топиш одамни бироз ўйлантиради. Бу ўзига хосликнинг бир кўринишидир. Беҳуда сафсата ёмон мусиқага ўхшайди, мақоли фойдасиз, бировга бирор яхшилик олиб келмайдиган маҳмадоналик ҳақида бўлиб, таржимон уни ўзига хос тарзда маҳорат билан таржима қилган.

Ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Бу мисолларнитнг ҳаммаси ҳам таржимоннинг ўз таржималарига талабчан эканлигини, хусусан, кўчма маъноли бирикмаларни ўзбек тилида мумкин қадар табиий қилиб беришга интилганини кўрсатади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кўчма маъноли бирикмаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда ҳар қандай ҳолларда ҳам унинг образли асослари айнан мувофиқ келавермаслиги мумкин. Шу билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам муқаррар равишда бундай бирикмаларни асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа муқобил вариантлар билан кўр-кўрона алмаштираверишҳам услуб чалкашлигига, таржима тилининг чегараланиб, қашшоқ бўлишига, бир хил қолипдаги сийқаси чиққан мақол ёки идиомаларнинг узлуксиз такрорланишига олиб келади.

Шунинг учун қандай воқеларнинг тасвирланишига қараб, ҳатто бир мақол ёки матални ҳар хил таржима қилиш мумкин. Уларнинг таржималари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

бир-бирига ўхшаши мумкин. Лекин, кўпинча уларнинг маълум даражада бир-биридан фарқ қилади.

Бунинг сабаби шуки, бир таржимон кўчма маъноли бирикмани унинг образли асосини сақлаган ҳолда таржима қилишни маъқул кўрса, бошқаси унинг ўз тилида мавжуд муқобил варианти билан беришни лозим топади. Уларни чоғиштирганда қайси бири афзалроқ экани маълум бўлади. Ҳар доим ҳам мақол ва маталларни уларнинг муқобили билан алмаштириш шарт эмас. Баъзан образли асослари ҳам мувофиқ келадиган вариантни топиш мумкин. Озод Шарафиддинов шу тамойилга амал қилади, буни қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин, қизсиз хонадон – оловсиз ўчоқ. Эски чорикнинг ҳам жуфти бўлади.

Таржимон ўзи ағдараётган асарни у қандай бўлса, худди шундай таржима қилиш керак. У ўз ёнидан матнга бирорта ҳам сўз қўшишга, унда бирорта ҳам сўзни олиб ташлашга ёхуд уни ўзгартиришга ҳадди йўқ.

Таржима принципи ана шундай қаттиқ принципдир. Шунинг учун ҳам у таржимонга жуда катта масъулият юклайди.

Шу билан бирга, таржима қандайдир қуруқ, завқсиз, кишини зериктирадиган иш эмас, балки у ижодий ишдир. Таржимада аниқлик ва ижодийлик тушунчаларининг бир-биридан тафавут қилиши у ёқда турсин, аксинча, улар бир-бирига жуда монанд ва бир-бирини тўлдиради.

Чиройли гул ҳамиша муаттар бўйли бўлмайди, мақоли ўзбеклардаги ялтираган ҳамма нарса олтин эмас, мақолига мос келади. Таржимон шу ўринда муқобил вариантни танламасдан, ўша халқ тилидаги образлиликни сақлаб қолган. Бу, албатта, таржиманинг қимматини оширган.

Мақол ва маталлар сўзловчи нутқининг таъсирчанлигини ошириб, тингловчи онги ва шуурига кучлироқ таъсир қилишига сабаб бўлади. Ўз ўрнида ишлатилган мақол ва маталлар нутқни гўзаллаштиради. Бу ўринда корейс халқ мақоли бўлган: “Гапнинг маъноси ибораларга боғлиқ”, - деган мақолни эслаш жойиз. Бунинг мутаносиби, маънодоши сифатида ўзбек халқининг: “Сўз кўрки мақол” – мақолини келтиришимиз мумкин. Ҳар бир халқ ҳаёт тажрибаси, зукколигидан яраладиган мақоллар замирида бутун бир ҳаёт мактаби яширинган бўлади. Бу мақолларни тушуниш учун чуқур билим зарур.

Ўзбекларда: “айтилган сўз – отилган ўқ”, - деган мақол бор. Буни турлича талқин қилиш мумкин. Бирор гапни айтишдан олдин ўйлаш керак. Кейин пушаймон бўлмасагина бу сўзни айтиш керак. Чунки отилган ўқни қайтариб бўлмагани сингари, айтилган сўзни ҳам қайтариб бўлмайди. Ёки бирор нарсага

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

ваъда бердингми, уни албатта бажар. Мана шу фикрнинг мутаносиб шаклини корейс халқининг “Гурунч тўкилса, териб оласан, сўз айтилса, уни қайтариб ололмайсан”, деган мақолида кўринишида мумкин. Халқнинг ҳаёти ҳар бир ҳолатда ҳам ибрат, чунки унинг вакилларидан яхшини кўриб, ибратланиб ўрганамиз, ёмондан эса йироқлашамиз. Бунда бизга халқ донолиги бўлган мақоллар катта ёрдам беради. Таржимон айнан мана шу жиҳатга эътиборни қаратган. Ҳақиқат оддий ва содда бўлади, шу сабабли унга ишониш қийин, лекин таржимон мана шу оддийлик замирида яхшилик борлигини қуйидаги корейс халқ мақоли орқали берган: “Ўзганинг маслаҳати кўпинча малол келади, лекин уни тинглаб, мағзини чақ”. Таржимон жумла тузишда оддийликдаги ҳақиқат тамойилига амал қилади.

Мақол жуда чуқур маънога эга эканлигини ҳамма билади. Унинг шакли ихчамлиги маълум. Шунга қарамай, мақол – чуқур маъноли, шакли ихчам бирикма, матал эса фақат айни тилнинг ўзигагина хос бўлган ибора сифатида кўрсатилади. Мақол ва маталларнинг шакл хусусиятлари тўғрисида гапирганда “қисқагина” қилиб, “қисқа” дейишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Ҳар қандай қисқа жумла ҳам мақол ёки матал бўлолмайди. Мақолларда биз ижтимоий ҳаётда мавжуд барча қоида, қонунларнинг инъикосини кўрамиз. Мувофиқлик ва зиддият, қарама-қаршиликлардаги энг яхши мисолларни мақол ва маталлардан топамиз.

Турли тилларда ҳар хил маънодаги ва турли-туман вариантлардаги мақолларни кўрамиз. Уларнинг баъзилари тилда параллель ишлатилади, баъзилари ҳатто бир-бирини инкор қилади ёки бирининг маъносини бири тўлдириб келади.

Корейс халқидаги “қуруқ гапга меҳмоннинг қорни тўймайди” мақола ўзбек тилида шундай ифодаланади. “Қуруқ гап билан қорин тўймайди” ёки “қуруқ қошиқ оғиз йиртади”. Корейс тилидан Озод Шарафиддинов томонидан таржима қилинган ширин гап баайни жилғадай югуради мақоли ўзбек халқининг ширин сўз жон озиғи мақолига эквивалентдир. Таржимон корейс халқ мақолларини эквиваленти билан бериши ҳам мумкин эди. Лекин ўша миллат урф-одати, руҳияти сезилиб туриши учун уни моҳирона тарзда тили ва образлилигига катта аҳамият бериб таржима қиладики, бу мақол ва маталларга янгича руҳ, оҳанг жиҳатидан мусиқийлик бахш этади. Бошқа таржимон балки шу мақолларни бошқача таржима қилар, бу эса услуб ва тил жиҳатдан ранг-баранглиқни келтириб чиқаради. “тилинг истаганини эмас, дилинг истаганини гапир” мақоли тўғрисўзликка, тил ва дил бирлигига чорлайди. Аҳлоқий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

жиҳатдан муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Тилинг бирла кўнглингини бир тут мақолига ҳамоҳангдир. Тилнинг суяги йўқ, лекин у ҳар суякларни зирқиратадики... ҳикматли сўзининг таржимаси тил жиҳатдан оҳангдор, услуб жиҳатдан ҳам ўзига хосдир. Таржимоннинг санъаткорона моҳирлиги, закийлиги яққол кўзга ташланади. Озод Шарафиддинов таржималарларида равонликни, сўз танлашдаги зукколикни, бадиийликни ҳар доим ҳис этиб турасиз. Мақолнинг таржимаси ўқувчи қалбига кириб бориб, унинг ҳиссиётларига таъсир қилади. Тингловчини бефарқ қолдирмайди. Нутқни гўзаллигини ва таъсирчанлигини оширади. Шундай экан, бадиий таржима ўз олдига қўйган мақсадга эриша олади. Эзмадан ақлли гап чиқмайди, йўл йўқ жойдан юрма, беҳуда гап сотма мақоллари эса ўринсиз маҳмадоналикдан, гапбозликдан тийилишга чақиради. Ўзбек тилида яхши гап ҳам ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади деган нақл бор, юқоридаги мақоллардан хулоса тилдан керакли ўриндан, керакли сўзларни ишлатиш кераклиги, ортиқча сафсатабозликдан қочиш кераклиги таъкидланган. Ҳамма тилларда ҳам зид қўйиш орқали фикрни далиллаш, бадиийликни таъминлаш мавжуд. Бу антонимлик хусусияти ифодаланган мақолларда яхши-ёмон, бахт-кулфат, узоқ-яқин, ақлли-тентак, қашшоқ-бадавлат, ёз-қиш, бой-гадо, машриқ-мағриб, кичкина-катта, сичқон-мушук, эски-янги, оқ-қора сўзлари орқали бадиий услуб яратилган.

Ўз фарзандларинг ҳамма вақт бошқаларникидан яхшироқ кўринади, хотининг эса ҳамиша бировникидан ёмонроқ туюлади.

Бахт билан кулфат ҳамша ёнма-ён юради.

Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши.

Тентак хотинини, ақлли одам фарзандларини мақтайди.

Туғилганда қашшоқ билан бадавлат одамни ажратиб бўлмайди.

Ёзда бир кун дам олсанг, қишда ўн кун оч ўтирасан.

Бойиб кетган гадо садақа бермайди.

Машриқда еб, Мағрибда ухлайди.

Кичкина қармоққа катта балиқ илинади.

Сичқонни ҳамиша мушукнинг бўйнида қўнғироқ бўлишни истайди.

Кичкина чумолилар катта тўғонни бузади.

Қўшнингнинг эски хурмачасини синдириб қўйсанг, янгисини олиб бер.

Турли тилларда бир-бирига ўхшаш мақол ва маталларнинг борлигини биламиз. Шакл, мазмун ва ҳатто объектлари томонидан ҳам бир-бирига айнан мувофиқ келадиган фразеологик иборалар ҳам бизни ҳайратлантирмайди,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

чунки уларда қандайдир мантиқ умумийлиги ва ўхшаш мақоллардан келтириб чиқарадиган қандайдир умумий мантиқий замин бўлади. Баъзи мақол ва маталларда эса фақат мазмун жиҳатдан яқинликни ва ўхшашликни кўрамиз. Баъзи халқларда учрайдиган мақол, матал, ибораларнинг мутаносибини бошқа адабиётларда кўрмаслигимиз мумкин.

Биз қуйида Озод Шарафиддинов таржима қилган корейс халқ мақолларини қуйидаги уч гуруҳга бўлдик:

Ўзбек ва корейс халқларида айнан ишлатиладиган мақоллар

Ўзбек тилида	**Корейс тилида**
Деворнинг ҳам қулоғи бор	Деворнинг ҳам қулоғи бор
Типратикан боласини юмшоғим дер экан	Типратикан боласини юмшоғим дер экан
Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан	Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан
Усти ялтироқ, ичи қалтироқ	Усти ялтироқ, ичи қалтироқ
Табиб, табиб эмас, бошидан ўтган табиб	Табиб, табиб эмас, бошидан ўтган табиб
Меҳнат – бахт келтиради	Меҳнат – бахт келтиради
Бахт билан кулфат ёнма-ён юради	Бахт билан кулфат ёнма-ён юради
Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши.	Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши.
Кулфат кутмаганда келади	Кулфат кутмаганда келади
Мусибат ёлғиз юрмайди	Мусибат ёлғиз юрмайди
Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ	Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ
Тўйдан кейин ноғора чалма	Тўйдан кейин ноғора чалма
Бировнинг ишига саратонда қўли совуқ қотибди	Бировнинг ишига саратонда қўли совуқ қотибди
Икки қуённи қувлаган, бирини ҳам тутолмайди.	Икки қуённи қувлаган, бирини ҳам тутолмайди.
Қўрқоққа қўш кўринади	Қўрқоққа қўш кўринади
Жўжаларни кузда санаш керак	Жўжаларни кузда санаш керак
Йўқолган пичоқнинг сопи олтин	Йўқолган пичоқнинг сопи олтин
Кўрпангга қараб оёқ узат	Кўрпангга қараб оёқ узат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

Ўзбек тилидаги мақолларга мазмунан ўхшаш мақоллар

Ўзбек тилида	**Корейс тилида**
Сабр таги – сариқ олтин	Сабр қилсанг, бахтга эришасан
Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор	Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ
Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан	Бировни чўктирмоқчи бўлганнинг ўзи чўкади
Бой бойга боқар, сув сойга ...	Туя-туяга, тулки-тулкига...
Бугунги ишни эртага қўйма	Яхши ишни эртага қўйма
Ширин гап жон озиғи	Ширин гап баайни жилғадай югуради
Тили бошқа, дили бошқа	Тилида шакар, дилида захар
Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама	Сувратни оёғини осмондан қилиб осиб қўйиб, рассомдан ўпкалама
Қўрққанга қўш кўринади	Ёлғиз одамга ҳар ёнда душманнинг куйи эшитилаверади

ХУЛОСА

Олимнинг адабиётшунослик соҳасида қилган ишларининг илмий аҳамияти ҳақида фикр юритишга, уни шарҳлашга ҳаракат қилдик.

Публицист, мунаққид, таржимон Озод Шарафиддиновнинг таржима ҳазинасига, унинг тараққиётига қўшган ҳиссасини ва бу соҳада эришган ютуқларини таҳлил қилдик.

Моҳир таржимон ижодида ҳангомалар, мақолларнинг тутган ўрни, уларнинг миллий адабиётимиз равнақига қўшган бемисл ҳиссасини тадқиқ қилишга баҳоли қудрат ҳаракат қилдик.

REFERENCES

1. Саломов. Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. Т., 1961.
2. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т., 2000.
3. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(4), 16-20.
4. Botirova Sh.I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00504

5. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research*, *6*(8), 539-541.
6. Botirova Sh.I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(9), 12-15.
7. Botirova Sh.I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. *Теория и практика современной науки*, *1*(31), 14-16.
8. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, *5*(14), 26-28.
9. Botirova Sh.I. (2019). Poetics of artistic psychologism. *Теория и практика современной науки, 2*(44), 31-34.